

Хасанов Р.Р.,Тошкент Давлат иқтисодий университети
профессори, иқтисод фанлари доктори

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДА ХОНАДОННИНГ ЎРНИ

ХАСАНОВ Р.Р. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДА ХОНАДОННИНГ ЎРНИ

Инсон ижтимоий-иқтисодий мавжудот сифатида доимий ҳаракатда бўлади ва ўз манфаатларини қондириш мақсадида иқтисодий муносабатларга киришади. Мақолада кишиларнинг иқтисодий қизиқишлари оилада шаклланиши ва унинг иқтисодий манфаатлари пировардида хонадонда акс этиши талқин этилган ва шундай экан, хонадон ижтимоий-иқтисодий ривожланишда алоҳида ўрин эгаллаши мулоҳаза қилинган.

Таянч иборалар: хонадон, оила, иқтисодий манфаат, уй хўжалиги, иқтисодий муносабатлар, тадбиркорлик, демократик иқтисод, ижтимоий хўжалик, иқтисодий эркинлик, даромад, фойда, сарф-харажат, турмуш даражаси, фаровонлик.

ХАСАНОВ Р.Р. МЕСТО СЕМЬИ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ

Человек как социально-экономическое создание находится постоянно в движении и в целях удовлетворения своих интересов вступает в экономические отношения. В статье обсуждаются вопросы формирования экономических интересов членов семьи в домохозяйстве и при этом выделено особое место домохозяйства в социально-экономическом развитии.

Ключевые слова: семья, экономический интерес, домашнее хозяйство, экономические отношения, предпринимательство, общественное хозяйство, экономическая свобода, доходы, прибыль, расходы, уровень жизни, благосостояние.

HASANOV R.R. A PLACE OF FAMILIES IN THE SOCIAL-ECONOMIC DEVELOPMENT

Man, as a social-economical creation is always in the movement in order to meet their interests involving into economic relations. The article interprets the formation of the economic interests of people in the household and there is reflected the economic interests of household and discussed special place of the householders in the socio-economic development.

Keywords: economic relations, economic interests, householders, socio-economic development.

Ўзбекистон мамлакат аҳолиси ва унинг ҳар бир оиласининг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бормоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг жаҳон ҳамжамиятида «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган ва изчил дастури, шунингдек, инқирозга қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини муваффақиятли бартараф этиш, унинг мувозанатли ривожланиши ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлади. Бу, биринчи навбатда, ҳар бир оилада, хусусан, ҳар бир фуқарони муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаётга эришишга чорлайди. Шахсий ва оилавий фаровонликка эришиш имконияти ҳар кимнинг ўз қўлида. Президентимиз томонидан «Ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги – бутун жамиятнинг фаровонлиги» ғояси илгари сурилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар халқ фаровонлиги, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва янада юксалтиришдан, бунинг учун ҳар бир хонадон даромадини ўстиришдан ҳамда хонадонларда инсонга хос яшаш шароитларини яратишга қаратилганликдан иборатдир. Бугунги кунда республикамизда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни ривожлантириш, миллий иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш масалалари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражаси, хусусан, ҳар бир хонадон даромадини янада оширишга қаратилган.

Иқтисодий фаолият, даромад топиш манфаати ва фаровон ҳаёт қуриш асослари, дастлаб, хонадон доирасидан бошла-

нади. Чунки кишининг дунёқараши, унинг иқтисодий тафаккури оилада шаклланди ҳамда ички ва ташқи омиллар таъсирида ривож топиб боради. Айниқса, бозор иқтисодиётининг қонун-қоидалари объектив равишда инсонни иқтисодий фаолликка ундайди. Шунинг учун, хонадон хўжалигини илмий тадқиқ этиш, иқтисодиётдаги аҳамиятини очиб бериш, ижтимоий-иқтисодий ролини кўрсатиш алоҳида йўналиш сифатида муҳим ўрин тутади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётда оиланинг ўрни алоҳида аҳамият касб этар экан, бундаги мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, ўзига хос жиҳатларни аниқлаш, ривожланиш истиқболини белгилаб бериш долзарб вазифадир. Шундай экан, ҳозирги даврда хонадон фаолиятини ўрганиш борасида мавжуд муаммоларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Хонадон иқтисодини илмий жиҳатдан ўрганишга кам эътибор берилмоқда.

2. Хонадон иқтисодини изоҳловчи кўрсаткичлар тизими етарлича шакллантирилмаган.

3. Хонадоннинг ижтимоий жиҳатлари билан иқтисодий тараққиёти алоқадорлиги атрофлича асослаб берилмаган.

Бозор иқтисодиётига ўтгунга қадар хонадон хўжалигини ўрганишга кам эътибор қаратилган. Хонадон хўжалиги – биргаликда битта оилада яшайдиган, ўзларининг барча даромад ва моддий бойликларини (ёки маълум бир қисмини) умумлаштириб, моддий истеъмол, уй-жой, коммунал ва бошқа хизматлар учун ҳамжиҳатликда сарф-харажат қилувчи шахслар гуруҳи (ёки бир шахс)нинг иқтисодий фаолиятидир.

Кўпгина ҳолларда «хонадон хўжалиги» тушунчаси «хонадон иқтисоди» тушунчаси билан алмаштирилиб юборилади. Ҳар бир инсон муайян оилада туғилади, камолга етади ва шубҳасиз, бу жараён кўпчиликнинг (ёки бировнинг) ёрдамисиз амалга ошмайди. Миллий қадриятларимизнинг хусусиятлари шундаки, даромад ва харажатлар умумий бўлган бирга истиқомат қилувчи 2 ва ундан ортиқ оила бир хонадонда истиқомат қилиши мумкин. Хонадон хўжалиги аъзолари битта оила таркибида бўлиши шарт эмас, улар шу оила аъзолари ёки бошқа кишилардан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. Илмий атамаларда «оила» ижтимоий категория ҳисобланса, «хонадон хўжалиги» иқтисодий категория саналади. Бозор иқтисодиётининг асосий субъекти иштирокчиси ҳисобланадиган «хонадон хўжалиги» иқтисодиётнинг ривожланишига жуда кучли таъсир кўрсатади.

Инсон табиатан ҳамisha яхши яшаш ва келажак ҳаётини янада кўркамроқ қилишга интилади. Буни моддий маблағсиз ва маънавий етукликсиз амалга ошириш қийин. Даромад топиш, фойда кўриш, ўзининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга бўлган қизиқишлар сўнмас жараён ҳисобланади. Хонадон даромадини кўпайтириш асосида оила бюджетдан самарали фойдаланиб, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши давлатнинг даромадлар сиёсатига ўзининг таъсирини кўрсатади. Биринчидан, хонадон истеъмоли бозорда талабни шакллантиради, иккинчидан, ишлаб чиқаришни меҳнат ресурслари билан таъминлайди, учинчидан, хонадон жамғармалари иқтисодиётда инвестициявий ресурслар бўлиб хизмат қилади, тўртинчидан, оила томонидан тўланадиган тўғри ва эгри солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантиради. Ҳозирги кунги таҳлилларга кўра жон бошига энг катта пул маблағга эга бўлганлар тадбир-

корлар ҳисобланса, энг кам жамғармага эга бўлганлар пенсионерлар ҳисобланади.

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Ислохотлар уларни шунчаки ўтказиш учунгина керак эмас. Уларнинг мақсади иқтисодий фаолиятга эркинлик беришдир. Шундай бир механизм ишга туширилиши керакки, бунда ҳар бир киши ислохотларнинг афзаллигини яққол сезсин. Уларнинг натижаларидан ҳақиқий манфаатдорлик пайдо бўлсин. Ислохотлар жараёни аниқ самара билан боғлиқ бўлиши зарур»¹.

Ҳукуматимиз томонидан яратилиб келинаётган барча имконият ва шароитлар пировард натижада аҳоли фаровонлиги, унинг негизи саналмиш оила даромадини ўстиришни таъминлайди. Кейинги йилларда Президентимиз томонидан қабул қилинган касаначиликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга бепул қорамол бериш, тадбиркорлик, фермерлик, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, ҳар бир йилнинг номланишидан келиб чиқиладиган давлат дастурлари, қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар шулар жумласидандир.

Республикамизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори бир неча марта оширилиши билан бир вақтда даромадларнинг юқори чегараси чекланмаган ҳолда хонадон даромадларини юксалтириш учун иқтисодиётни янада эркинлаштириш орқали даромадлар даражаси бўйича кучли фарқланишга йўл қўйилмайди.

Хусусан, кам таъминланган, кўп болали оилаларга давлат ёрдами кўрсатишнинг самарали тизими жорий этилган. Аҳолини

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: «Ўзбекистон» 1996. -26-б.

ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг даромадлар даражаси бўйича кескин табақаланиши мумкинлигининг олдини олди.

Бугунги кунда аҳолининг моддий фаровонлиги ва турмуш даражасини белгиловчи асосий омил – хонадон даромадининг ўсиши учун шарт-шароит ва ишончли кафолатлар яратиб берувчи омиллар тобора ортиб бормоқда. Энг муҳими – инсоннинг иқтисодий фикрлаши ва дунёқараши ўзгармоқда, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг савияси тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Айрим давлатлар фақат ўзини сақлаб қолиш ҳақида қайғураётган бўлса, биз келажак ривожини, иқтисодий-маънавий тараққиёт ҳақида ўйламоқдамиз. Бу эса ўз навбатида ҳар бир хонадон даромадини ўстириш демакдир. Хонадон даромадининг асоси ундаги моддий-мулкӣ салоҳияти, жумладан, ер участкалари (томорқа, дала, боғ ва ҳ.к.), барча турдаги бино ва иншоотлар (уй-ҳовли, кўп қаватли уйлардаги хонадонлар, дала ҳовли, хусусий омборхоналар, саройлар ва ҳ.к.), техника, машина ва жиҳозлар, ҳар турдаги жамғармалар, акция, облигация, сертификат ва қимматли қоғозлар, узоқ муддат фойдаланиладиган замонавий товарларга боғлиқ. Мазкур салоҳиятнинг бир қисми мавжудлигидан келиб чиқиб, оилавий бизнесни шакллантириш мумкин. Оилавий бизнесда етарли бошланғич оилавий капитал, ресурс ва инфратузилмалар мавжудлиги, ахборот таъминоти, малаканинг етарлилиги муваффақият гаровидир.

Тадбиркорликни ривожлантириш билан ҳар бир оила ўз даромадини кўпайтириш имконига эга бўлмоқда. Республикамизда бозор муносабатларининг ривожланиши даражаси тадбиркорлик ҳисобидан олинаётган даромаднинг хонадон даромади умумий ҳиссасида ўсиб бораётганига ўз таъсирини ўтказмоқда. Тадбиркорлик – бир қарашда осон кечадиган ва дарҳол

ўз самарасини берадиган фаолият эмас. Ўз ишини бошлаётган ҳар қандай тадбиркордан муайян билим ва фазилатларга эга бўлиш талаб қилинади.

Хонадонларда тадбиркорлик ва меҳнатни ташкил қилиш – нафақахўрлар, ногиронлар, ёш болали оналар ва талабаларни қўшимча иш билан таъминлаш имконини яратиб, оила даромадини кўпайтиради. Хонадон даромадининг кўпайиши, оила бой бўлишининг асосий сабабларидан бири даромад топиш билан бирга, уни тежаб-тергаб, оқилона харажат қилишдир.

Хонадон даромади турмуш фаровонлигининг асосий шarti сифатида иқтисодий рағбатни кучайтириб боради. Шу билан бирга аҳолининг пул топишига бўлган қизиқишини оширади ва ҳар бир киши, оилада ўз фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканлиги ҳиссини уйғотади. Демак, шахсий даромад яхши, тўкин ҳаёт кечирининг бош омили бўлиб қолади.

Умумий фаровонликни таъминлаш имкониятлари ишлаб чиқариш кучлари даражаси билан белгиланади ва у миллий даромаднинг ўсиши суръати ва кўламига бевосита боғлиқ бўлади. Республика миқёсида бу имкониятлар миллий даромадни ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида қайта тақсимланиши билан янада кенгайди. Чунки миллий даромаднинг ўсиши ёки пасайиши хонадон даромади ўзгариш ҳолатини белгилайди. Ўзбекистон Республикасида миллий даромаднинг ишлатилиши жон бошига 1991 йилда 1300 АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2013 йилда 5260 АҚШ долларини ташкил этди, ҳозирда эса бу кўрсаткич қарийб 3,5 бараварга ошган.

Президентимиз Ислom Каримов таъкидлаганидек, «... биз бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт моделини ишлаб чиқдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари – яъни, иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, дав-

латнинг бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислохотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён»¹.

Иқтисодиёт ва аҳоли бандлигининг юқори суръатда ўсиши, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар аҳоли даромади, меҳнатига ҳақ тўлаш ва турмуш даражасини изчиллик билан ошириш, жаҳон иқтисодий тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллашни таъминлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга асос бўлган омил сифатида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган энг муҳим устувор вазифа – қишлоқ аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатлиги белгиланди.

Аҳоли турмуш даражаси юксаклантирилишида оила хўжалигининг муҳити белгилашини ҳамда республикамиз аҳолисининг қарийб 60 фоизи қишлоқ жойларда яшашини инobatга олсак, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси кўтарилиб, мамлакатимиз ижтимоий-

иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳозир ҳам жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирига қарамай, Президентимиз Ислom Каримов томонидан асослаб берилган жамият ҳаётини тубдан ислох қилиш, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, жамиятни демократлаштириш ва босқичма-босқич модернизациялаш модели бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига кўра амалда ўзини тўла оқламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда модернизациялаш жараёнларини изчил ва тизимли амалга ошириш, шаҳар ва қишлоқ қиёфасини, шаҳар ва қишлоқлардаги ҳар бир оила ҳаёт тарзини яхшилаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш давр талаби ҳисобланади:

- шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савияси, унинг онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга қаратилган ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартириш;

- агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш орқали мамлакатимизда долзарб аҳамиятга эга бўлган хонадон даромадини шакллантириш ва уни ўстириш бўйича истиқболдаги барча ишларга мустаҳкам ташкилий асосни такомиллаштириш;

- ҳар бир хонадонга, унинг реал даромадини ошириш орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминловчи омил сифатида баҳо бериш.

Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг ўсишида ва шу тариқа ҳар бир оила даромадини оширишда ўз аксини топмоғи лозим.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. -103-б.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: «Ўзбекистон» 1996. -26-б.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., «Ўзбекистон», 2010.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. -103-б.
4. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2014. -456-б.
5. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.